

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**281** Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун  
мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона  
расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 370-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги ва 2013 йил 4 октябрдаги 271-сон «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини авиация керосини билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 ноябрдаги 01-02/12-29-сон қарори (рўйхат рақами 2525, 2013 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 619-модда) билан тасдиқланган Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 29 май,  
01-02/12-09-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил  
29 майдаги 01-02/12-09-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун  
мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона  
расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

а) олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**хизмат кўрсатувчи** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг аэропортлари;»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**худудий божхона органлари** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича бошқармалари ва «Тошкент — АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси.».

2. 3-банддаги «Тошкент — АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг (бундан буён матнда «Тошкент — АЭРО» ИБК деб юритилади)» деган сўзлар «худудий божхона органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 12-бандда «Тошкент — АЭРО» ИБКнинг» деган сўзлар «худудий божхона органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 16-банднинг биринчи хатбошисидаги «уч кундан» деган сўзлар «уч иш кунидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Қуйидаги мазмундаги 161-банд билан тўлдирилсин:

«161. Декларант ўз хохишига кўра авиакеросин маҳсулотини «реэкспорт» божхона режимига расмийлаштиришни электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган божхона постига божхона юк декларацияси мазкур Қоидаларнинг 16-бандида қайд этилган ҳужжатлар декларантнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тақдим этилади.».

6. 18-банддаги «44» рақами «07» рақами билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпанияси  
бош директори*

*В. ТЯН*

*2014 йил 29 май*